

**ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА
УМУММЕХНАТ АСОСИДА МАЪНАВИЙ ТАФАККУРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Бурхонов Расул Рамилович,

**А. Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси
стажёр-ўқитувчи, ЎЗБЕКИСТОН**

Аннотация. Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактаблари технология дарсларида ўқувчиларнинг маънавий тафаккурини ривожлантириш масалаларига оид мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: қадрият, меҳнат қобилияти, фаолиятни серқирраликка интиштириш, техникавий моделлаш, амалий меҳнат.

Аннотация. Эта статья дает представление о развитии духовного мышления учащихся на уроках технологий в общеобразовательных средних школах.

Ключевые слова: ценность, трудоспособность, стремление к разнообразию, техническое моделирование, практическая работа.

Resume: This article provides insight into the development of students' spiritual thinking in technology lessons in general secondary schools.

Key words: value, ability to work, striving for diversity, technical modeling, practical work.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим ўқувчиларининг ёши, психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг онгига умуминсоний қадриятлар ва юксак маънавиятни янада чуқур сингдириш, уларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи долзарблик касб этмоқда. Шу мақсадни амалга оширишда бошқа фанлар катори технология фанининг ҳам имкониятлари катта.

Умумий ўрта таълим мактабларида технология дарси бошқа фанлар дарсларидан ташкилий ва сифати жиҳатидан фарқ қилиб, бу дарсда бугунги кунда фақат маълум меҳнат қобилиятини ўргатиш етарли бўлмай, балки

Ўқувчиларни технология дарсларида умуммеҳнат асосида маънавий тафаккурини тўлиқ шакллантиришга қаратилган интилувчанлик, ижодий, меҳнат топшириқларини мустақил бажариш, зарурият асосидаги муаммоларни англай олиш, ўз олдига бу муаммоларни ечиш учун вазифа қўя оладиган шароитни юзага келтириш, ўз ижодий фаолиятини серкирраликка интиштириш каби муаммоларни ҳал қилишни ҳам ўргатиш керак. Ўқувчиларнинг амалий машғулотларда ўқитувчи назорати остида мустақил ҳолда ўз қўли билан ясаган буюм-маҳсулоти маданий ва маънавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириб, ўқувчи учун бу бизнинг атрофимиздаги дунёни кашф қилиш, ижодий қобилиятларни шакллантириш ва фаолиятни амалга ошириш, ҳис-туйғуларни ифодалаш имконини берувчи шароитни яратиб беради.

Технология дарсларида ўқув жараёнини умуммеҳнат асосида ташкил қилиш ўқувчиларни муайян меҳнат малакаси ва кўникмалари билан куроллантиришгагина хизмат қилиб қолмай, балки уларнинг ақлий ва ижодий қобилиятларини ўстириш, маънавий тафаккурини бойитиш, уларни меҳнатга муносабатини онгли равишда тарбиялашда ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз фанини яхши билган ўқитувчи бирор буюмни тайёрлаш усулини маҳорат билан тушунтириб ва кўрсатиб бера олади, бу эса меҳнат амалларини ўқувчи тўғри идрок этишни таъминлайди. Ўқитувчи шу муносабат билан дарсга пухта тайёргарлик кўриши, ўқувчиларга кўрсатадиган буюмни ўқитувчининг ўзи олдиндан тайёрлаб кўриши лозим, чунки буюмни тайёрлаш давомида қийин иш усулларини қўллашга тўғри келиб қолиши мумкин. Агар ўқитувчининг ўзи нарсаларни олдиндан тайёрласа ўқувчиларга уни тайёрлашнинг метод ва усулларини кўзда тутган ҳолда осон ўргатиши мумкин.

Ҳар бир дарс ўқувчиларнинг билим ва малака доираларини кенгайтириши ҳамда мустаҳкамлаши, уларда барқарор ижобий кўникма ва одатлар ҳосил қилишга ёрдам бериши лозим. Дарс вазифасини фақат билим бериш ва кўникма ҳосил қилишдан иборат қилиб қўймаслиги, балки уларда

фанга оид компетенцияларни шакллантириш, маънавий таълим-тарбия бериш ва камол топтириш вазифалари билан боғлаб олиб бориш ҳам зарур. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўзи ўқитаётган фандан билимини мустаҳкамлаб тажриба ва маҳоратини орттириб бориши лозим. Бу эса бирор мавзуга тайёрлана туриб, ўқитувчи мазкур дарс материали асосида ўқувчиларда маънавий тафаккурини бойитиб, қандай ҳолатларини англашга олиб келажагини, диққат, фикрлаш, хотира, тасаввур, иродани ривожлантириш ва бошқа шу кабилар соҳасида шахс сифатини қандай камол топтиришга эришишини аниқ тасаввур қилмоғи лозим.

Технология таълимининг янги дастури “тақлид қилиш” услубини технология дарсида рад этади, тажриба шуни кўрсатадики, болалар бутун буюмнинг тузилишини яхши тасаввур этсаларгина иш жараёнини ва асбоблар билан ишлаш усулларини тезроқ ва пухтароқ ҳис қилиб оладилар. Айниқса, 5-синф ўқувчилари ўқитувчига тақлид қилишга интилади. Шу сабабли ўқувчи бошиданок фақат тўғри усулларни кўриши ва эслаб қолиши лозим. Борди-ю, ўқитувчи қўлламаслиги лозим бўлган нотўғри иш усулини ҳар доим таъкидлаб кўрсатаверса ўқувчи шуни эслаб қолиши мумкин, у ўқувчилар онгига сингиб қолиб, кейин уни тузатиш анча қийин бўлади.

Технология таълими дарсларида ўқувчиларнинг ишларини кузатиш натижасида ўқувчиларни топшириқларни олиб, буюмни худди намунадагидек яшаш учун намунанинг қурилишини синчиклаб қараб чиқиб, буюмни яшаш йўллари кунт билан излайдилар. Технология дарсларида, одатда тайёрланиши керак бўлган буюмнинг намунаси кўрсатилади. Бунда ўқувчилар учун реал буюм нарса, буюмнинг намунаси зарурлиги назарда тутилади, болалар унга қараб мазкур буюм нарса қандай ясалганлигини, қандай қилиб худди мана шундай тайёрлаш мумкинлигини ўйлаб оладилар.

Ўқитувчи янги мавзуга методик жиҳатдан қанчалик тўғри ёндашмасин, уни суҳбат ва кўрсатмада қанчалик тушунарли қилиб изоҳламасин, барибир ўқувчилар дастлабки вақтларда яшаш ва ишлаш усулларини ҳар доим ҳам тўғри қўллайвермайдилар. Ўқувчи кўп саволларни

мустақил ҳал қилиши керак. Ўқувчилар мустақил, фаол фикрлаш қобилиятини, ташаббусни, учраган қийинчиликларни енгишини, аввал ҳосил қилинган яшаш кўникмаларини, билими ва малакаларини оқилона ва ижодий кўллай билишни ўрганиши уларни маънавий тафаккурини бойишига олиб келади.

Мустақил иш фаолиятида асосий фаол шахс ўқувчидир. Лекин шунга карамай дарснинг бу босқичида ўқитувчининг вазифаси бениҳоят катта ва маъсулиятлидир. Бундай машғулотларда мақсадни айтиб, иш усулларини кўрсатиб қўя қолиш кифоя, ўқувчиларни эркин ишлаши керак деб ўйлаш катта хато бўлади. Ўқитувчи мумкин қадар камроқ сўзлашни, секин охишта овоз билан гапиришни одат қилиши, ўқувчиларга сездирмай уларнинг характерини кузатиши, уларга яқинлашиш ва узоқлашишни, ўрнига қўйиб гапиришни ёки жим туришни ўрганиш лозим. Қолоқ ўқувчини яхши ўзлаштирадиган ўқувчига бириктириб қўйиш керак. Масалан тикишда ўғил болалар одатда орқада қоладилар уларга қизлар ёрдамини бириктириб қўйиш, аксинча техникавий моделлашда ўқув тажриба ҳовлисидаги ишларда ўғил болалар қизларга ёрдамлашишлари керак. Шу тарзда ўқувчиларда ўзаро маънавий дўстона ёрдам ҳисси тарбияланади. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг имкониятларини ҳисобга олиб ўқувчиларни руҳлантириб, олдинга интиштириш лозим. Ўқувчилар мустақил ишлаётганда ўқитувчининг меҳнати осон эмас балки янада қийинроқ, бироқ ўз касбини севган ва ардоқлаган ўқитувчилар учун ижодий меҳнат сингари ундайдиган ҳузурбахш ҳолат бўлади.

Ўқувчилар мустақил ишлаётганда ўқитувчи нофаолдек кўринади, лекин аслида ўқитувчи олдида раҳбарлик қилиш лозим бўлган турли хил характерли 20-30 нафар ўқувчи бор. Айрим ўқувчиларни бутун дарс давомида безовта қилмаслик лозим, айримларига кўрсатма бериш кифоя, қолганлари ёрдамга муҳтождир. Мустақил машғулот вақтида ўқувчилар кўнғироқни ҳам сезмай қоладилар, ҳатто ишини давом эттиришга руҳсат этилса қувонадиган ҳоллар ҳам бўлади. Ўқувчиларни ёққан ишига шўнғиб

кетиб ва тез ишлайдиган ўртоқларини кўриб ўқувчилар бора-бора ўзларининг иш суръатини тезлаштиришни одат қилиб оладилар. Ўқитувчи ўқувчиларнинг амалий ишини ўз вақтида текширмаслик ўқувчининг ишга қизиқишини камайтиради. Ишни текшириш ва баҳолашга ўқувчиларнинг ўзларини жалб қилиш керак. Бу билан улар дарсга ва бажарилаётган меҳнатга нисбатан онгли муносабатда бўлишлик, фаоллик ва ташаббускорлик хислатлари ривожланади. Меҳнат натижаларини биргаликда текшириш ва баҳолаш ўқувчиларнинг хотираларида маълум бир буюмни тайёрлашнинг барча босқичлари, айрим усуллари тикланади. Уйга топширик бериш дарснинг муҳим босқичидир. Технология фанидан уйга бажариб келиш учун бериладиган вазифани аввало дарсда ишни яхши уддалай олмаган ўқувчиларга бериш зарур. Ўқитувчи амалий машғулот дарсининг ҳар бир дақиқасини кадрлаб, ўқувчиларни ҳам вақтни қадрни етишга ўргатиши керак. Айниқса, ўқувчиларни бирор буюмни ясаш учун машқ қилдиришга қаратилган амалий машғулотларда вақтдан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Технология таълимини амалий меҳнат фаолияти билан бирлаштириш ва ўқувчиларнинг илмий билимларни чуқур ўзлаштиришини таъминлашда таълимнинг турли усулларидан фойдаланилади. Назарий материални тушунтириш чоғида ўқитувчи ўқувчиларнинг билимлари ва тажрибасига суянади. Ўқувчилар томонидан бажариладиган барча технология фанига оид ҳаракатлар назарий билимлари билишга таянади. Кўр-кўрона тахминий йўл билан эгалланган кўникма ва малака тор маънода бўлиб, пухта бўла олмайди. Амалий топшириқлари танлаш меҳнат тайёргарлигини назарий ва амалий савиясини кўтариш вазифаларига бўйсундирилиши керак. Ўқувчиларга берилган топшириқлар уларни ижодий изланиш, таълим олиш ва адабиётлар билан ишлаш малакасини шакллантириши лозим. Бунда ўқитувчилар қўл меҳнатини ўргатишда ўқувчиларга турмуш соҳасидаги билим ва кўникмаларни сингдириш билан бирга, уларда ижодий қобилиятларни ва билишга қизиқишни, мустақил фаолликни ўстиришга қаратилмоғи керак.

Қўл меҳнатига ўргатишда оғзаки баён қилиш, тушунтириш ва ҳикоя қилиш, суҳбат, машқлар, амалий ишлар, мустақил ишлар, китоб билан ишлаш каби усуллардан фойдаланилади.

Юқорида айтилганлар машқлар билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадида ўқитувчи ўқувчиларга меҳнат операциялари буйича турли машқлар беради, бунда у ижодий характердаги ишларни ташкил этиб, кўпроқ мустақиллик талаб этувчи машқларни назарда тутди. Бу методнинг моҳияти борган сари мураккаблашиб борувчи усул ва ҳаракатларнинг онгли ҳамда кўп марта такрорланишидир. Машқлар оммавий ва яқка тартибда бўлади, яъни бутун гуруҳлар бир хил ишни ва барча ўқувчилар турли ишларни бажаришлари мумкин. Машқларнинг характерли хусусияти айтиб беришнинг такрорланиши бўлгани учун ўқувчиларда бажарилаётган ишга нисбатан қизиқишини сақлаш талаб этилади. Машқлар якунида ишларни таҳлил қилиш, энг яхши ишларнинг таҳлиliga таяниб, ким қандай натижаларга эришганлигини кўрсатиш лозим. Айтиб бериш вақтида камчиликлар устида ҳам тўхташ ва ишнинг сифатини яхшилаш ёки бажариш тезлигини ошириш учун нималар қилиш кераклигини тушунтириш лозим.

Амалий ишлар усули ўқувчиларга эгалланган билимларини амалда қўллашни ўргатишга ёрдам беради. Амалий ишларни бажариш режасини ўқувчиларнинг ўзлари мустақил тузишлари катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Кўргазмали қуролларнинг ўқувчилар томонидан бажарилишини ҳам амалий ишларга киритиш мумкин. Бу эгаллаган билимларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Мустақил ишлар ўқитувчининг бевосита иштирокисиз, бироқ унинг топшириғи билан махсус ажратилган вақтда бажариладиган ишлардир. Бу ўринда ўқувчилар ўзларининг интилишларини қўллаб ҳамда ақлий ва жисмоний ҳаракатларининг натижаларини у ёки бу формада ифодалаб, топшириқда кўйилган мақсадга онгли равишда эришишга ҳаракат қиладилар.

Дастлабки дарслардан бошлаб ишни шундай ташкил этиш керакки, ўқувчилар қўл меҳнатини эгаллаш учун назарий билимлар ва амалий

малакалар ўртасида узвий алоқа бўлиши кераклигини ҳис этсинлар. Ўқувчиларда малакани шакллантириш онгли фаолиятдан ажралган ҳолда бўлмаслиги керак. Мустақил ишларни бажариш жараёнида малакалар шаклланиши билан бирга ўқувчилар ўз кучлари, билим ва қобилиятларини синовдан ўтказадилар. Мустақил ишларнинг кенг қўлланиши ўқувчиларда ишга ижодий ёндашишни, улардаги билишга қизиқишларини, олинган билимларни амалда қўллай билишни ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўқув жараёнини такомиллаштириш, ўқитишнинг янги шакл ҳамда методларини тадбиқ қилиш, ўқувчиларда қизиқишни оширишга, дарсларнинг самарадорлигини кучайтиришга, билиш фаоллигини оширишга ёрдам беради. Билиш фаоллигини ривожлантириш ўз навбатида буюмга, мазкур ҳолатда - хизмат кўрсатувчи меҳнатга қизиқишини ривожлантиришда кўмаклашади.

Технология фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашда мана шу усуллардан самарали фойдаланилса, ўқитувчи ўқувчиларнинг технология таълими ва тарбиясига оид компетенцияларини эгаллашлари осонлашади ва бу орқали жамият учун зарур халқпарвар, меҳнаткаш инсон учун зарур бўлган сифатлар шаклланади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси” нашриёти, 2006. – 159 б.
2. Бекмуродова С. Технология фанини ўқитишга янгича ёндошув. Методик қўлланма. Т.: РТМ, 2017.
3. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари.- Т.: Ўқитувчи, 1995.- 207 б